

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР**  
**УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАЛАНДАРОВ ИЛЁС ИБОДУЛЛАЕВИЧ**

**ДИСКРЕТ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ЖАРАЁНЛАРИНИНГ**  
**ДИНАМИК ФУНКЦИОНАЛ ЖАДВАЛЛАР АСОСИДАГИ**  
**МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.10 – Ахборот олиш тизимлари ва жараёнлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of Doctoral (DSc) dissertation**

**Каландаров Илёс Ибодуллаевич**

Дискрет ахборот тизимлари ва жараёнларининг динамик функционал жадваллар асосидаги моделлари ва алгоритмлари.....3

**Каландаров Илёс Ибодуллаевич**

Модели и алгоритмы дискретных информационных процессов и систем на базе динамических таблиц функционирования.....27

**Kalandarov Ilyos Ibodullayevich**

Models and algorithms of discrete information processes and systems based on dynamic functioning tables.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ЎЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР**  
**УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАЛАНДАРОВ ИЛЁС ИБОДУЛЛАЕВИЧ**

**ДИСКРЕТ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ЖАРАЁНЛАРИНИНГ**  
**ДИНАМИК ФУНКЦИОНАЛ ЖАДВАЛЛАР АСОСИДАГИ**  
**МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.10 – Ахборот олиш тизимлари ва жараёнлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.DSc/T359 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Кабулов Анвар Василевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рахматуллаев Марат Алимович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Зайнидинов Хакимжон Насридинович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Маматов Алишер Зулунович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университетидаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «23» декабрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шох кўчаси 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, e-mail: [iktuit@tuit.uz](mailto:iktuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети кутубхонасида танишиш мумкин 254 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шох кўчаси 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43).

Диссертация автореферати 2022 йил «7» декабрь да тарқатилди.  
(2022 йил «30» ноябрь даги 13 рақамли реестр баённомаси.)



*M. M. Musaev*  
*R. O. Rahimov*  
*U. P. Xamdamov*

**М.М.Мусаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

**Н.О.Рахимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, техника фанлари доктори

**У.Р.Хамдамов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги  
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ривожланишнинг бугунги босқичида инновацион саноат маҳсулотларини яратиш ва ахборот тизими ва жараёнларини бошқаришнинг самарали усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишда ахборот технологиялари ютуқларини жорий қилиш юқори меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини таъминлашнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш ахборот тизимлари ва жараёнларидаги ускуналарни илғор техникаларга таяниб ўз вақтида янгилаш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга тезкор мослаштириш ва кўпроқ иқтисодий ва ижтимоий самара берадиган мослашувчан ахборот тизимлари ва ресурс тежовчи жараёнларни кенг миқёсда жорий қилиш биринчи даражадаги муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Дунёнинг ишлаб чиқариш саноати ривожланган мамлакатларида, жумладан, Хитой, АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Италия, Францияда «катта серияли ва оммавий ишлаб чиқариш фақатгина 20% ни, бирлик, кичик серияли ва серияли ишлаб чиқариш эса 80%ни ташкил қилади»<sup>1</sup>. Бирлик ва кичик серияли ишлаб чиқариш ахборот тизимлари ва жараёнларида маҳсулотлар номенклатурасининг доимий ўзгариб туриши доимий равишда ҳар бир режалаштириш даврига мос ишлаб чиқариш дастури ташкилий тузилмасини «мослаштириб» туриш заруратини пайдо қилади.

Жаҳонда календарь режалаштириш ва тезкор бошқариш масаласининг ечимлари ҳам катта серияли ҳам серияли ишлаб чиқариш ахборот тизимларини қамраб олади. Бирлик ва кичик серияли ишлаб чиқариш ахборот тизимлари ва жараёнларини ташкил этиш, захираларни аниқлаш ва «кескин» режали дастурни шакллантириш учун ахборот тизимида календарь режалаштириш масалаларини ечиш, ишчи ўринларни юклаш ҳажмини тезда таҳлил қилиш имконини берадиган концептуал модел қуриш учун математик модел ва алгоритмларни ишлаб чиқиш долзарб бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ахборот тизими ва жараёнини ташкил қилишдаги тезкорлик ташқи ва ички омиллар ҳолатига боғлиқлиги асосида ишлаб чиқилган назорат алгоритмларини вақтнинг реал режимида амалга ошириш талабини қўяди.

Республикамизда машинасозлик саноати ахборот тизимлари ва жараёнларини модернизация қилишда ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиб интеграциялашган, автоматлаштирилган тизимларни яратиш бўйича кенг кўламли жадал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонида, жумладан «Саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини кенг жорий қилиш»<sup>2</sup> ва Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида «сунъий интеллект, буюмлар

<sup>1</sup> <https://helpiks.org/9-38443.html>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

интернети ҳамда рақамлаштириш технологияларини жорий қилиш»<sup>3</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда саноат корхоналарида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиб, замонавий ахборот тизимларини қўллаш асосида қарор қабул қилиш жараёнларини қўллаб-қувватловчи иерархик кетма-кетликда мувофиқлаштирилган алгоритмлар мажмуасига эга бўлган агрегатив ахборот тизимларни ишлаб чиқиш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4077-сон «Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124 «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**<sup>4</sup>. Дунёда дискрет ишлаб чиқариш ахборот тизимлари ва жараёнлари объектларида ахборот тизимларининг ривожланиш тенденцияси иқтисодий фаолиятнинг ишлаб чиқариш ва ахборот тизимлари каби турли соҳаларида замонавий математик усуллар ва электрон ҳисоблаш техникаларидан фойдаланиш билан боғлиқдир. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги йирик илмий-инновацион марказлар ва олий таълим муассасаларида жумладан, Harvard University, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), University of Cambridge, University of Oxford (Буюк Британия), Kyoto University (Япония), Université de Paris (la Sorbonne, Франция), Москва давлат технология университети «Станкин» (Россия Федерацияси), В.М.Глушков номидаги Миллий фанлар академияси кибернетика институти (Украина), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Ислон Каримов

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сонли «2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармони

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар: <http://www.ds.mpg.de/en>, <http://www.ox.ac.uk/>, <http://www.bioe.neu.edu>, <http://www.zbit.uni-tuebingen.de/>, <http://neel.cnrs.fr/?lang=fr>, [https://www.kribb.re.kr/eng/sub02/sub02\\_07\\_03.jsp](https://www.kribb.re.kr/eng/sub02/sub02_07_03.jsp), <https://www.cbcu.umd.edu/>, <http://www.arizona.edu/>, [https://mipt.ru/science/labs/laboratory\\_of\\_the\\_biophysics\\_of\\_excitable\\_systems/](https://mipt.ru/science/labs/laboratory_of_the_biophysics_of_excitable_systems/) ва бошқа асосида ишлаб чиқилган.

номидаги Тошкент давлат техника университети, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотлар жараёнида бир қатор натижалар олинган: ахборотларни қайта ишлаш жараёнида юкларни ташиш учун оптимал технологик йўналишни танлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган (Central Salt and Marine Chemicals Research Institute, Clean Energy Manufacturing Analysis Center); мураккаб объектларни технологик тайёрлашнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари яратилган (Москва давлат технология университети «Станкин»); «интеграциялашган ишлаб чиқариш тизимларини ўрганишда моделлаштириш» деб номланган интеграллашган ахборот тизимлардаги тадқиқотларни шакллантиришда нотекис ёндашув масалалари ечилган (University of Oxford); ахборот тизимларини тезкор бошқариш ва режалаштириш масалаларини ечиш модел ва усуллари курилган (Украинанинг В.М.Глушков номидаги миллий фанлар академияси Кибернетика институти).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий - тадқиқот ишлари ва адабиётлар манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, моделлар яратишнинг назарий ва амалий масалалари Allahverdi A., Cheng T.C., Kovalyov M.Y., Aouam T., Geryl K., Kumar K., Brahimi N., Atan Z. ишларида, ишлаб чиқариш ахборот жараёнларини тизимли назорат қилиш усуллари Ahmadi T., Stegehuis C., DeKok T., Adan L., Bankole I., Chang C. ишларида, шунингдек ахборот тизимлари ва жараёнларида тезкор режалаштириш масалаларини ечиш усуллари В.Г.Митрофанов, Kreowski H., Kuske S., Totth C., Lattanzio T., Cauvin A., Makris S., Zoupas P., Chryssolouris G., Mamalis A.G. Ganovsky V.S., Mauergauz Yu. E., Motallebi S., Zandieh M., Norouzilame F., Jackson M., Olhager J., Pinedo M.L. каби олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида кўриб чиқилган.

Ишлаб чиқариш ахборот тизимлари ва жараёнларида ахборотлар оқими асосида режалаштириш масалаларини ечиш алгоритмларини ишлаб чиқишда Titov V.V., Benavides Gallego P.T., Bhattacharya A., He T., Jouneghani R.A. лар олган натижалардан фойдаланилди. Ишлаб чиқариш ахборот тизимлари ва жараёнларини ташкил қилишни режалаштириш назариясининг умумий масаласи учун янги усул ва алгоритмларни яратиш соҳасида Solding P., Thollander P., Moore P., Мауэргауз Ю.Е., Морозов А.В., Овшинов С.А., Курченков В.В., Петров И.В., Прохоров В.Т., Рыбников А.И., Самарский А.А., Севастьянов С.В., Гаврилов Д.А., Громов С.А., Тарасов В.Б., Данилин В.И., Забиняко Г.И., Загидуллин Р.Р. ютуқлари ҳисобга олинди.

Ўзбекистонда В.К.Кабулов, Н.Р.Юсупбеков, Т.Ф.Бекмурадов, Х.З.Игамбердиев, Т.С.Нусратов ва О.М.Набиевлар бошчилигидаги илмий-тадқиқот жамоалари томонидан ишлаб чиқилган математик моделлар, алгоритмик усуллар ва ҳисоблаш техникаси воситалари ишлаб чиқариш ахборот тизимлари ва жараёнларини режалаштириш ва назорат қилишда қўлланилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда барча даражадаги ахборот тизимларини такомиллаштириш учун замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборот жараёнларини алгоритмлаштириш, ахборот тизимларини динамик моделлаштириш, тадқиқот объектлари таснифини шакллантиришнинг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш, ягона технология асосидаги алгоритмларни янги мезонларини танлаш етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялар университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг БВ-М-Ф4-004 «Бошқариш тизимлари назариясида алгоритмлаштириш принципларини ишлаб чиқиш» (2017-2020), ОТ-Атех-2018-486 «Мантиқий бошқариш ва ахборот хавфсизлиги тизимларини дастурлаштирилган мантиқий контроллерлар ва уларни лойиҳаловчи инструментал САД мантиқий тизими асосида амалга ошириш» (2018-2020), ФЗ-201906117 «Орол бўйи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экологик вазиятлар таъсирини аниқлаш мониторингини юритишнинг дастурий таъминоти» (2020-2021) мавзуларидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** цех, бўлим ва технологик модуллар даражасидаги дискрет ахборот тизими ва жараёнларини динамик функционал жадваллар асосида ташкиллаштириш ва тизимлаштиришнинг коцептуал, математик модел ва алгоритмларини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

динамик функционал жадваллар ёрдамида дискрет ахборот тизими ва жараёнларининг ягона стандарт тавсифга асосланган коцептуал моделини ишлаб чиқиш;

дискрет ахборот тизими ва жараёнлари учун агрегатларни шакллантириш, ихтисослашган ишчи ўринларни ташкил қилиш орқали ресурслардан самарали фойдаланиш ва ахборот тизими тузилмасини ташкиллаштиришнинг математик модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

динамик функционал жадваллар асосида инсон-машина ахборот тизими ва жараёнларини ўрганиш учун имитацион моделларни яратиш;

динамик функционал жадваллар алгебрасига асосланиб бирлик ва кичик серияли дискрет ахборот тизими ва жараёнларини ташкиллаштириш ва тизимлаштиришнинг когнитив модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ахборот тизими ва жараёнларини тавсифлаш учун мўлжалланган вақт бўйича оптимал технологик йўналишни ва гуруҳ ускуналарини танлаш алгоритминини модификация қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида дискрет турдаги бирлик ва кичик серияли ишлаб чиқариш ахборот тизимлари ва жараёнлари қаралди.

**Тадқиқотнинг предмети** цех, бўлим ва технологик модул даражасидаги (бирлик ва кичик серияли) ахборот тизимлари ва жараёнларини тавсифлаш

масалаларини ечиш усуллари, математик моделлари, алгоритмлари ва дастурий воситалари ҳисобланди.

**Тадқиқот усуллари.** Ишнинг назарий тадқиқотларида мураккаб тизим ахборот жараёнлари ва ахборот ресурсларини ягона ҳолда тавсифлаш усули, кузатув мониторларини қуриш, иммитацияли моделлаштириш, Петри тармоқлари, чекли автоматлар назарияси, катта техник тизимлар элементларини агрегатлаш ёрдамида тавсифлаш усули, С.В.Яблонский тизимлари, функционал жадвалларни синтез ва анализ қилиш усулларидан фойдаланилди, тажриба тадқиқотлари дастурлаштириш тиллари орқали амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

динамик функционал жадваллар орқали дискрет ахборот тизими объектларини ягона стандарт тавсифга асосланган концептуал модели ишлаб чиқилган;

дискрет турдаги ахборот тизими ва жараёнлари учун агрегатларни шакллантириш, ихтисослашган ишчи ўринларни ташкил қилиш орқали ресурслардан самарали фойдаланиш ва ахборот тизими тузилмасини ташкиллаштиришнинг математик моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

динамик функционал жадваллар алгебрасига асосланиб дискрет турдаги кичик серияли ишлаб чиқариш ахборот тизимлари ва жараёнлари тузилмасини ташкиллаштириш ва тизимлаштиришнинг алгоритмик усули ишлаб чиқилди;

инсон-машина тизимини ташкил қилиш масалалари мажмуасини ечиш ва саноат корхонаси ахборот жараёнларини тезкор тартибга солишнинг функционал математик моделлари ва алгоритмлари яратилган;

дискрет ахборот тизимлари ва жараёнларини ташкилий таъминотини такомиллаштиришнинг вақт бўйича оптимал технологик йўналиш ва ускуналар гуруҳини танлашнинг математик модел ва алгоритмлари модификация қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дискрет ахборот тизимлари ва жараёнларини тизимлаштириш ва ахборот тизими тузилмасини ташкиллаштиришга доир тавсиялар, динамик функционал жадваллар ёрдамида ишчи ўринлар тўпламларини синтез қилиш, агрегатларни шакллантириш, ихтисослашган ишчи ўринларни ташкил қилиш, ахборот тизимида қувватларни юклаш масалаларининг математик модел ва алгоритмлар ишлаб чиқилган;

динамик функционал жадваллар платформасида алгебраик операциялар асосидаги алгоритмик ахборот тизим, объектларни ягона стандарт тавсифга асосланган ҳолда кўрсатиш учун мўлжалланган концептуал модел ва дастурий таъминот ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** динамик функционал жадваллар асосида яратилган концептуал модел, математик моделлар ва алгоритмлар дискрет турдаги бирлик ва кичик серияли ишлаб чиқариш ахборот тизимлари компонентларини адекват тавсифлаши, вақтнинг реал

режимида белгиланган чегараларда натижаларнинг самарали ишлаши билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қоидалар, хулосалар, тавсиялар саноат корхонаси ахборот тизими ва жараёнларини ташкил этиш, маълумотларни ташкиллаштириш ва тизимлаштириш масалаларини ечишдаги математик моделлар, алгоритмлар тўпламини адекватлиги ва турғунлигини таъминланганлиги ва ишлаб чиқилган усуллар, алгоритмлар танланган объектларнинг параметрларига мослаштирилган ахборот тизимини яратишда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, инсон-машинанинг ўзаро таъсирига йўналтирилган ахборот тизими ва жараёнларининг концептуал модели технологик режимни оптималлаштириш ва барқарорлаштириш, ахборот тизимини турғун ишлашини таъминлаш, шу сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, буюртмаларни тайёрлашга кетадиган вақт, хом ашё ва энергия ресурслари сарфини камайтириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Дискрет ахборот тизимлари ва жараёнларининг динамик функционал жадваллар асосидаги моделлари ва алгоритмларига доир илмий тадқиқотлар натижалари:

динамик функционал жадваллар орқали дискрет ахборот тизими объектларини ягона стандарт тавсифига асосланган концептуал модели ва дискрет ахборот тизимлари ва жараёнларини ташкилий таъминотини такомиллаштиришнинг вақт бўйича оптимал технологик йўналиш ва ускуналар гуруҳини танлашнинг модификация қилинган математик модел ва алгоритмлари Навоий кон-металлургия комбинати АЖ Тахиатош металл конструкциялар ва ностандарт жихозлар заводида қўлланилди (Навоий кон-металлургия комбинати АЖнинг 2022 йил 26 августдаги 23.01-01-07/558-сон маълумотномаси). Тадқиқотлар натижаси маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини 10% га ошириб маҳсулотни тайёрлашга кетадиган вақтни 1,5 баробарга камайтириш имконини берган;

динамик функционал жадваллар алгебрасига асосланиб дискрет турдаги кичик серияли ишлаб чиқариш ахборот тизимлари ва жараёнларини ташкиллаштириш ва тизимлаштиришнинг алгоритмик усули ва инсон-машина тизимини ташкил қилиш масалалари мажмуасини ечиш ва саноат корхонаси ахборот жараёнларини тезкор тартибга солишнинг функционал математик модел ва алгоритмлари Навоий кон-металлургия комбинати АЖ Шимолий кон бошқармасида (3-ГМЗ) қўлланилди (Навоий кон-металлургия комбинати АЖнинг 2022 йил 26 августдаги 23.01-01-07/558-сон маълумотномаси). Жорий қилиш натижасида мулоқот тизимида маҳсулотни тайёрлашга кетадиган вақтни 1,5 баробарга камайтириш, ишлаб чиқариш хажминини 7% га ошириш имконияти яратилди;

дискрет ахборот тизими ва жараёнлари учун агрегатларни шакллантириш, ихтисослашган ишчи ўринларни ташкил қилиш орқали ресурслардан самарали фойдаланиш ва ахборот тизими тузилмасини

ташқиллаштириш математик моделлари ва алгоритмлари ва динамик функционал жадваллар асосида инсон-машина ахборот тизими ва жараёнларини ўрганиш учун имитация моделлари Навоий кон-металлургия комбинати АЖ, «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида қўлланилди (Навоий кон-металлургия комбинати АЖнинг 2022 йил 26 августдаги 23.01-01-07/558-сон маълумотномаси). Инсон-машина тизимини жорий қилиш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 8% га ошириб, маҳсулотни тайёрлашга кетадиган вақтни 1,7 баробарга камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари 10 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш чоп қилинган, жумладан 17 та мақола, 9 таси хорижий, 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган республика журналларида, 1 та монография, 1 та патент (янги усул ихтироси) ҳамда 3 та дастурий воситаларга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 168 бетни ташкил этган.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Ишнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, илмий янгилиги кўрсатилган, олинган натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши рўйхати, ишнинг синов натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Дискрет ахборот тизими ва жараёнларини алгоритмлашнинг таҳлили**» бобида ишлаб чиқариш ахборот тизимлари ва жараёнларидаги муаммолари ва саноатда ишлаб чиқариш ахборот тизимини ташкил қилиш билан боғлиқлиги кўриб чиқилган. Самарадорликни ошириш мақсадида ишлаб чиқариш ахборот тизимини ташқиллаштириш ва тизимлаштириш масалаларини шакллантириш, календарь режалаштириш масаласини ечишнинг мавжуд усуллари ҳақида қисқача маълумот берилди.

Диссертациянинг §1.1-ида ишлаб чиқариш самарадорлиги (қиймат кўринишида) қуйидагича ҳисобланади:  $E = MX(C_{x,x} + C_{a,x})$ , бу ерда  $MX$  - вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматлар миқдори, уларнинг сифатини ҳисобга олган ҳолда,  $C_{x,x}$ ,  $C_{a,x}$  - ушбу маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқаришдаги ҳозирги ва аввалги меҳнат харажатлари.

Дискрет ахборот тизими ва жараёнларини тўғри ташкил қилиш орқали вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва сифатини оширишнинг динамик функционал жадваллар асосидаги усули кўриб чиқилган. Ахборот тизимида ахборот жараёнларини ташкиллаштириш ва ахборот ресурсларини тизимлаштириш (§1.2) ахборот муҳитининг қуйидаги ички омиллари ҳолатини ўзгартириш орқали амалга оширилади (1-расм): ишчи ўринларни жойлаштиришнинг тузилмаси (1а-расм); ускуналарни жойлаштиришнинг тузилмаси (1б-расм); ускуналарни ихтисослаштириш (1в-расм).




**1-расм. Динамик функционал жадваллар орқали ахборот жараёнлари ва ахборот ресурсларини тавсифлаш чизмаси**

Дискрет ахборот тизими ва жараёнларида календар режалаштириш масаласини ечишнинг эвристик усули ишлаб чиқилган (§1.3). Ишлаб чиқариш ахборот тизимлари ва жараёнларини динамик функционал жадваллар шаклида тафсифлаш таклиф қилинади.

§1.4да динамик функционал жадваллар асосида дискрет ахборот тизими ва жараёнларини анализ ва синтез қилиш масалаларига бағишланган. Дискрет хусусиятдаги ишлаб чиқариш ахборот тизими учун функционал


жадвалларни ўзгартиришнинг алгоритмик усулини асослаш амалга оширилади. Ахборот тизимини алгоритмик моделини қуриш функционал чизмаси 2-расмда берилган.




**2-расм. Ахборот тизимини алгоритмик моделини қуриш функционал чизмаси**

Мураккаб тизимлар кичик тизимлар композициясидан иборат. Ҳар бир кичик тизим технологик даврни ифодалайди, уни тавсифлаш учун Хомски таснифи бўйича автоматлар тили ишлатилади. Тил грамматикасининг дастлабки симболи функционал жадваллар бўлиб ҳисобланиб, қоидалар сифатида конкатенация (3-расм), бирлаштириш, параллел улаш, тўлдириш ва кесишиш операцияларидан фойдаланилади:


$$\left\{ \begin{array}{l}
 SFJ_1 \times SFJ_2 \times \dots \times SFJ_n, x_1, x_2, \dots, x_n \setminus x_i \in SFJ_i \mid i = \overline{1, n}, \\
 SFJ_1 \cup SFJ_2 \cup \dots \cup SFJ_n = \bigcup_{i=1}^n SFJ_i, x_i \in SFJ_i \mid i = \overline{1, n}, \\
 SFJ_1 \parallel SFJ_2 \parallel \dots \parallel SFJ_n, x_1 \parallel x_2 \parallel \dots \parallel x_n \setminus x_i \in SFJ_i \mid i = \overline{1, n}, \\
 SFJ_1 \cap SFJ_2 \cap \dots \cap SFJ_n = \bigcap_{i=1}^n SFJ_i, x_i \in SFJ_i \mid i = \overline{1, n}.
 \end{array} \right. \quad (1)$$



*a*



*б*



*в*

**3-расм. Динамик функционал жадвалда конкатенация операцияси: а – СФЖ1; б – СФЖ2; в – конкатенация натижаси.**

Ушбу ўтишларни кўйидагича ифодалаймиз:

$$\begin{aligned}
 W_{11} &= R_1(I_1(I_1')) * R_2(I_2(I_2')) * R_4(I_3(I_3')) * R_5(I_4(I_4')) * R_5(I_5(I_5')) * z \\
 W_{12} &= R_1(I_1(I_1')) * R_2(I_2(I_2')) * R_4(I_3(I_3')) * R_6(I_4(I_4')) * R_6(I_5(I_5')) * z \\
 W_{13} &= R_1(I_1(I_1')) * R_2(I_2(I_2')) * R_4(I_3(I_3')) * R_7(I_4(I_4')) * R_7(I_5(I_5')) * z \\
 W_{14} &= R_1(I_1(I_1')) * R_2(I_2(I_2')) * R_4(I_3(I_3')) * R_8(I_4(I_4')) * R_8(I_5(I_5')) * z \\
 W_{21} &= R_1(I_1(I_1')) * R_3(I_2(I_2')) * R_4(I_3(I_3')) * R_5(I_4(I_4')) * R_5(I_5(I_5')) * z \\
 W_{22} &= R_1(I_1(I_1')) * R_3(I_2(I_2')) * R_4(I_3(I_3')) * R_6(I_4(I_4')) * R_6(I_5(I_5')) * z \\
 W_{23} &= R_1(I_1(I_1')) * R_3(I_2(I_2')) * R_4(I_3(I_3')) * R_7(I_4(I_4')) * R_7(I_5(I_5')) * z \\
 W_{24} &= R_1(I_1(I_1')) * R_3(I_2(I_2')) * R_4(I_3(I_3')) * R_8(I_4(I_4')) * R_8(I_5(I_5')) * z
 \end{aligned}$$

бу ерда  $W$  – функционал жадвал бошидан охирига ўтиш вектори.

Милли-Мур бошқарувчи фаолияти қоидалари автоматлари бўйича ахборот тизими кўйидагича ифодаланилади:

$$\begin{cases} P(t+1) = f[P(t), g(t)]; \\ O(t) = R[P(t), g(t)], \end{cases} \quad (2)$$

бу ерда  $P$  – ҳолатлар тўплами;  $O$  – чиқиш ҳолатлари тўплами;  $R$  – ишчи ўринлар тўплами;  $f$  – ўтиш функцияси;  $g$  – бошқарувчи автомат.

Ушбу тенгламага (2) кўра, динамик функционал жадвал кўйидаги кўринишга келади:

$$\left\{ \begin{array}{l} F_{t+1} = \varphi(F_t, P, O, I, I', R, T, \Delta), \exists \varphi(x_1, \dots, x_k \xrightarrow{\varphi} y_1, \dots, y_t), \\ A_{t+1}^{+-} = A_t^{+-}(\varphi, P, O, I, I', R, T, \Delta, F_t), \Psi_1 = \Psi_0 + \begin{bmatrix} a_{11} & a_{12} \dots a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} \dots a_{2n} \\ \dots & \dots \\ a_{k1} & a_{k2} \dots a_{kn} \end{bmatrix} \begin{bmatrix} o_1 \\ o_2 \\ \dots \\ o_n \end{bmatrix}, \begin{bmatrix} a_{11} & a_{12} \dots a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} \dots a_{2n} \\ \dots & \dots \\ a_{k1} & a_{k2} \dots a_{kn} \end{bmatrix} \bar{W} = 0, \\ P \cap O = \emptyset, p_i \in I(t_j), p_i \in I'(t_j); \end{array} \right. \quad (3)$$

бу ерда  $A^{+-}$  – динамик функционал жадвалдаги ўтиш ҳолатларининг кириш-чиқиш матрицалари;  $T$  – вақт оралиқлари;  $\Delta$  – ишчи ўринларнинг тизимдаги координаталари;  $F_t$  – динамик функционал жадвални вақт бўйича ўзгариш функцияси;  $O$  – операциялар;  $I$  – ҳар бир ишчи ўриннинг кириш-чиқиш ( $I$ ) ҳолати;  $\varphi - \exists \varphi(x_1, \dots, x_k \xrightarrow{\varphi} y_1, \dots, y_t)$  тизим кириш параметрлари қисмларини  $(x_1, \dots, x_k)$  тизимнинг чиқиш параметрлари қисмларига  $(y_1, \dots, y_t)$  акслантириш функцияси;  $\Psi_1$  – динамик функционал жадвалнинг охириги ҳолати;  $\Psi_0$  – динамик функционал жадвалнинг бошланғич ҳолати;  $W - \Psi_1$  дан  $\Psi_0$  га ўтиш вектори.

Ҳолатлар ва операциялар тўплами (ўтишлар) кесишмаси – бўш тўплам ( $P \cap O = \emptyset$ ). Ахборот тизимида технологик даврнинг ҳолати (позицияси) ўтиш  $t_j$  нинг кириш ҳолати  $P_i \in I(t_j)$  бўлса, чиқиш ҳолати  $P_i \in I'(t_j)$  бўлиб ҳисобланади.

Ушбу тенгламадан (3) келиб чиқиб динамик функционал жадвални минимал дизъюнктив нормал шакллар бул функциялари тизими орқали ифодалаймиз:

$$\left\{ \begin{array}{l} y_1 = f_1(x_1, x_2, \dots, x_i, \dots, x_n), \\ y_2 = f_2(x_1, x_2, \dots, x_i, \dots, x_n), \\ \dots \\ y_i = f_i(x_1, x_2, \dots, x_i, \dots, x_n), \\ \dots \\ y_n = f_n(x_1, x_2, \dots, x_i, \dots, x_n). \end{array} \right. \quad (x_i, y \in \{0, 1\}, i = \overline{1, n})$$

Диссертациянинг иккинчи «Дискрет ахборот тизими ва жараёнларини динамик функционал жадваллар асосида математик ва алгоритмик моделлаштириш» бобида масаланинг математик моделлари кўриб чиқилган.

§2.1да дискрет ахборот тизими ва жараёнларини вақт бўйича ишлаши ахборот модели берилди. Аналитик тарзда уни қуйидагича ифодалаш мумкин:  $Z=f(w, d)$  – буюртманинг ишга тушиш санаси;  $w$  – буюртманинг чиқиш санаси;  $d$  – ишга тушишнинг чиқишга нисбатан календарь илгариллаши.

Дискрет ахборот тизимлари ва жараёнларида ахборотлар оқими асосида ускуналарни тайёрлаш давомийлиги ( $T_{УТД}$ ) қуйидагича ҳисобланади:

$$T_{УТД} = T_{ТЕХ} + T_{ОО} + T_{ОЦ} + T_{КТ}, \quad (4)$$

бу ерда  $T_{ТДД}$  – технологик давр давомийлиги;  $T_{ОО}$  – операциялар орасидаги узилишлар;  $T_{ОЦ}$  – оралик цехларда операцияларни бажариш вақти;  $T_{КТ}$  – назорат ва транспорт операцияларини амалга ошириш вақти.

Шунинг учун

$$T_{ТДД} = T_{ТДД М} + T_{ТДД Й}, \quad (5)$$

бу ерда  $T_{ТДД М}$  – механик ишлов бериш технологик даврининг давомийлиги;  $T_{ТДД Й}$  – йиғиш технологик даврининг давомийлиги.

Бинобарин ахборот тизими ва жараёнларида технологик жиҳозларни ишлаб чиқариш тартиби турли ишлов бериш вақтларига эга буюртмалар тўплами экан, буюртма бўйича ишлаб чиқариш даври давомийлиги энг кўп меҳнат талаб қиладиган қисми ишлаб чиқариш даврининг давомийлигига тенг бўлиб, (5) ҳисобга олинган ҳолда (4) формулани қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$T_{УТД} = T_{ТДД Й} + T_{ТДД М}^{КД} + T_{ОО}^{КД} + T_{ОЦ}^{КД} + T_{КТ}^{КД},$$

бу ерда  $T_{ТДД М}^{КД}$ ,  $T_{ОО}^{КД}$ ,  $T_{ОЦ}^{КД}$ ,  $T_{КТ}^{КД}$  – технологик даври максимал бўлган (фавқулотда даврийлик) буюртма қисмлари учун параметр қийматлари.

§2.2да тизимдаги ахборотлар оқими ва ресурслар асосида агрегатларни шакллантириш, ихтисослашган ишчи ўринларни ташкил қилиш ва ахборот тизими тузилмасини ташкиллаштириш масалаларининг математик моделлари ишлаб чиқилган.

Тўпламларни қуйидагича белгилашлардан фойдаланилди:  
ускуналар

$$V = \{V_i^{kj}, i = \overline{1, a}, k = \overline{1, K}, j = \overline{1, J}\},$$

бу ерда  $V_i^{kj}$  –  $i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гурихидаги  $j$  - дастгоҳ; ишчилар тўплами

$$W = \{W_i^{kf} : W_i^{kf} = \{F_i^{kf}, Z_i^{kf}\}, i = \overline{1, a}, k = \overline{1, K}, f = \overline{1, l}\},$$

бу ерда  $W_i^{kf}$  –  $i$  - бўлим  $k$  - мутахассисликдаги  $f$  – ишчи;  $F_i^{kf}$  –  $i$  - бўлим  $k$  - мутахассисликдаги  $f$  - ишчининг бир ойлик иш вақти фонди;  $Z_i^{kf}$  –  $i$  - бўлим  $k$  - мутахассисликдаги  $f$  - ишчининг тоифаси;

технологик операциялар

$$O = \{O_n^{mk} : O_n^{mk} = \{T_n^{mk}, \overline{Z_n^{mk}}\}, n = \overline{1, b}, m = \overline{1, a}, k = \overline{1, K}\},$$

бу ерда  $O_n^{mk}$  –  $n$  - буюртма  $m$  - қисмининг  $k$  - технологик операцияси;  $T_n^{mk}$  –  $n$  - буюртмани  $m$  - қисмидаги  $k$  - технологик операциянинг амалга ошириш унумдорлиги;  $\overline{Z_n^{mk}}$  –  $n$  - буюртмани  $m$  - қисмидаги  $k$  - технологик операция ишининг тоифаси.

$z$  - тоифали  $f$  - ишчининг малакали иш вақтини йўқотиши деганда унинг малакасига тўғри келмайдиган технологик операцияни бажаришини тушунамиз ( $Z_i^{kf} \neq \overline{Z_n^{mk}}$ ).

$$A = P_{zi}^{kf} = \overline{F_{zi}^{kf}} - \overline{T_{zi}^{kf}} \rightarrow \min$$

учун  $W \xrightarrow{A} V$  акслантириш талаб қилинади; бу ерда  $P_{zi}^{kf} - i$  - бўлимдаги  $z$  - тоифали  $k$  - мутахасисликдаги  $f$  - ишчининг иш вақтини йўқотиши вақти;  $\overline{F_{zi}^{kf}} - i$  - бўлимдаги  $z$  - тоифали  $k$  - мутахасисликдаги  $f$  - ишчининг бир ойлик иш фақти фонди;  $\overline{T_{zi}^{kf}} - i$  - бўлимдаги  $z$  - тоифали  $k$  - мутахасисликдаги  $f$  - ишчининг иш ҳажми, чегараларини киритамиз:

$$F'_{zi}{}^k - T'_{zi}{}^k \geq 0, F'_{zi}{}^k = \sum_{f=1}^{\bar{l}} \overline{F_{zi}^{kf}}, T'_{zi}{}^k = \sum_{f=1}^{\bar{l}} \overline{T_{zi}^{kf}}$$

Ишчи ўринлар тўплами мавжуд:

$$R = \{R_i^{kj} : R_i^{kj} = \{\phi_i^{kj}\}, i = \overline{1, \alpha}, k = \overline{1, K}, j = \overline{1, i}\},$$

бу ерда  $R_i^{kj} - i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳидаги  $j$  - ишчи ўрин, шу билан бирга,  $\phi_i^{kj} - i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳидаги  $j$  - ишчи ўриннинг сменадаги мавжуд вақт фонди.

Ускуналарга самарали юклаш учун шарт:

$$\phi_i^k = \overline{T_i^k},$$

бу ерда  $\phi_i^k - i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳининг сменадаги мавжуд вақт фонди;  $\overline{T_i^k} - i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳи технологик операциянинг унумдорлиги, уни қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$\overline{T_i^k} = t_i'^k + t_i''^k,$$

бу ерда  $t_i'^k - i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳи қисмларни қайта ишлаш вақти;  $t_i''^k - i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳида ускуналарни алмаштириш вақти.

Буюртма қисмларини қайта ишлаш учун ишлатиладиган жиҳозлар тўплами:

$$Q = \{Q_n^{k\tau}, n = \overline{1, b}, k = \overline{1, K}, \tau = \overline{1, e}\},$$

бу ерда  $Q_n^{k\tau} - n$  - буюртмани ишлашда  $k$  - технологик операциядаги  $\tau$  - жиҳоз;  $t_n^{k\tau} - n$  - буюртмани ишлашда  $k$  - технологик операциядаги  $\tau$  - жиҳозни ўрнатиш вақти.

$$B = \overline{t_i'^{kj}} = \overline{\Phi_i^{kj}} + \overline{t_i''^{kj}} \rightarrow \min,$$

учун  $Q \xrightarrow{B} R$  акслантиришни қуриш талаб қилинади; бу ерда  $\overline{t_i'^{kj}}$  - ускуналарни алмаштириш вақти;  $\overline{t_i''^{kj}} - i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳидаги  $j$  - ишчи ўриннинг қисми қайта ишлаш вақти; у учун чегаралар

$$\overline{\phi_i^k} - t_i'^{kj} \geq 0, \overline{\phi_i^k} = \sum_{j=1}^J \overline{\phi_i^{kj}}, t_i'^{kj} = \sum_{j=1}^J \overline{t_i'^{kj}}.$$

Технологик ускуналар гуруҳи тўплами мавжуд:

$$M = \{M_i^k : M_i^k = \{N_i^k, \overline{\phi_i^k}\}, i = \overline{1, \alpha}, k = \overline{1, K}\},$$

бу ерда  $M_i^k$  –  $i$  - бўлимдаги  $k$  - технологик ускуналар гуруҳи;  $N_i^k$  –  $i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳи таркибига кирувчи ишчи ўринлар сони;  $\overline{\phi}_i^k$  –  $i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳидаги мавжуд бир ойлик вақт фонди.

Ишчи ўринлар тўплами мавжуд:

$$R = \{R_i^{kj} : R_i^{kj} = \{\overline{\phi}_i^{kj}, Z_i^{kj}\}, i = \overline{1, \alpha}, k = \overline{1, K}, j = \overline{1, J}\},$$

бу ерда  $R_i^{kj}$  –  $i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳидаги  $j$  - ишчи ўрин;  $\overline{\phi}_i^{kj}$  –  $i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳидаги  $j$  - ишчи ўриннинг мавжуд бир ойлик вақт фонди;  $Z_i^{kj}$  –  $i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳидаги  $j$  - ишчи ўринда ишловчи ишчининг тоифаси,

$$\overline{\phi}_i^k = \sum_{j=1}^J \overline{\phi}_i^{kj}$$

Режалаштирилган даврда цехнинг ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш учун зарурий технологик ускуналар гуруҳининг ишлаб чиқариш қувватлари тўплами:

$$S = \{S_i^k / i = \overline{1, \alpha}, k = \overline{1, K}\},$$

бу ерда  $S_i^k$  –  $i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳининг керакли ишлаб чиқариш қуввати.

$$C = \theta_i^k = \overline{\phi}_i^k - S_i^k \rightarrow \min$$

шарт учун  $R \xrightarrow{C} M$  акслантиришни қуриш талаб қилинади;  $\theta_i^k$  –  $i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳи ишлаб чиқариш қувватларини қайта ишга тушириш ( $\theta_i^k < 0$ ) ёки захираси ( $\theta_i^k > 0$ ) қўйидаги чегараларда

$$\overline{\phi}'^k - S'^k \geq 0.$$

§2.3да дискрет ахборот тизими ва жараёнларида қувватларни юклаш масаласининг математик ва ахборот модели ишлаб чиқилди.

$$D = E_n = H_n + \Pi_n \rightarrow \min$$

учун  $O \xrightarrow{D} R$  акслантиришни қуриш талаб қилинади;  $E_n$  –  $n$  - буюртмани ишлаб чиқариш даври давомийлиги;  $H_n$  –  $n$  - буюртмани мураккаблиги;  $\Pi_n$  –  $n$  - буюртмани туриб қолиши, чегараларни киритамиз:

$$\overline{D} \subset \overline{A}; \overline{D} = \bigcup_{n=1}^{\overline{c}} \overline{A}_n, 1 \leq \overline{c} \leq \overline{e}; \overline{D} = \{\overline{A}_n / n = \overline{1, \overline{c}}, \overline{a} \leq \overline{p}_n \leq \overline{b}\},$$

бу ерда  $[\overline{a}, \overline{b}]$  буюртма устиворликлари ўзгариши интервали, бунинг учун ахборот тизимида ишлаб чиқариш даври давомийлигини қисқартириш талаб қилинади

$$\overline{\Pi}_i^{kj} = \overline{\phi}_i^{kj} - \overline{T}_i^{kj} \rightarrow \min,$$

бу ерда  $\overline{\Pi}_i^{kj}$  –  $i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳи  $j$  - ишчи ўриндаги узилишлар вақти;  $\overline{\phi}_i^{kj}$  –  $i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳи  $j$  - ишчи ўриндаги мавжуд вақт фонди;  $\overline{T}_i^{kj}$  –  $i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳи  $j$  - ишчи ўринда бажариладиган технологик операциянинг мураккаблиги, агар


$$k_n^{mf} = M_i^k, \overline{Z}_n^{mf} = Z_i^{kj} \text{ бўлса, унда } \overline{\phi}_i^{kj} - \overline{T}_i^{kj} \geq 0,$$

бу ерда  $k_n^{mf}$  –  $n$  - буюртмани  $m$  - қисмидаги  $f$  - технологик операция бўйича қайта ишлашнинг тури;  $M_i^k$  –  $i$  - бўлимдаги  $k$  - технологик ускуналар гуруҳи;  $Z_n^{mf}$  –  $n$  - буюртмани  $m$  – қисмидаги  $f$  - технологик операцияни бажариш тоифаси;  $Z_i^{kj}$  –  $i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳи  $j$  - ишчи ўринда ишловчи ишчининг малакаси.

§2.4да дискрет ахборот тизим ва жараёнларини динамик функционал жадваллар алгебраси асосидаги алгоритмик модели асосида ишлаб чиқариш ахборот жараёнларини тезкор режалаштириш қуйидагича амалга оширилади:

- буюртмалар тўпламлари ва уларни ишлаб чиқариш учун йўналишлар шакллантирилиб, ускуналарга оптимал юкланиш даражаси аниқланади;
- стационар жадвалларни синтез қилиш асосида ускуналарга ойлик, ҳафталик ва кунлик ишлаб чиқариш юкламалари тузилади;
- ахборот тизимида цехнинг барча бўлимлари ва ускуналарга юкламаларни тақсимлаш учун динамик функционал жадваллар лойиҳалаштирилади;
- стационар функционал жадваллар асосидаги ахборот тизим агрегатлари учун технологик даврлар ва дастурий таъминот ишлаб чиқилади;
- технологик даврлар бўйича динамик функционал жадвалларни созлаш ва ишчи ўринларни ишга тушиш жараёнини имитация қилинади;
- динамик функционал жадвал асосида берилган ахборот тизим агрегатларини ташкиллаштириш ва тизимлаштиришнинг мақбул параметрларини назорат қилинади;
- ахборот тизимида динамик функционал жадваллар шаклида берилган операцияларнинг хотира омборида мантиқий кетма-кетликда бажарилиши амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш ахборот тизими ва ахборотлаштириш объектининг ўз аро боғлиқлиги чизмаси 4-расмда берилган.



**4-расм. Ишлаб чиқариш ахборот тизими ва ахборотлаштириш объектининг ўз аро боғлиқлиги чизмаси**

Кириш ва чиқиш маълумотларига (4-расм) ахборот тизимларидаги ишчи ўринлар, уларнинг ҳолатлари, тизимдаги координаталари, вақт оралиқлари, операциялар динамик функционал жадвалининг вақт бўйича ўзгариш функцияси,  $n$ - буюртманинг кириш ва чиқишдаги ҳолати, кириш ва чиқиш



Ахборот тизимидаги барча ресурслардан фойдаланган ҳолда режалаштирилган буюртмаларга ишлов бериш учун ускуналарнинг оптимал тўпламини танлаш масаласини ечиш натижасида  $CT$  тўпландан энг унумдор ускуналар гуруҳи аниқланади.

§3.3да динамик функционал жадваллар асосида ахборот тизим ва жараёнларидаги технологик модулларини оптимал ишлаш даврийлигини куриш масаласи ечилади. Кластер таркибидаги таянч ускуналар гуруҳини танлаш модели ва алгоритми ишлаб чиқилган. Дискрет ишлаб чиқариш ахборот тизими учун яратилган алгоритмлар турғунлиги Гурвиц мезони орқали таҳлил қилинган.

Диссертациянинг тўртинчи «Дискрет ахборот тизими ва жараёнларини динамик функционал жадваллар асосидаги алгоритмлари» бобида I ва II бобларда шакллантирилган масалаларни ечиш услубияти келтирилган.

§4.1да ахборот тизимлари ва жараёнларида бажариладиган операцияларни мураккаблигини таҳлил қилиш (яъни ишнинг ишчи тоифасига мослиги) асосида ишчиларни ускуналарга тақсимлаш алгоритмининг қадамлари тавсифланди.

Биринчи қадамда  $Z_i^{kf}$  ва  $\bar{Z}_n^{mk}$  ларга қиймат берилади:  $Z_i^{kf} = \bar{Z}_n^{mk}$ , бу ерда  $Z_i^{kf}$  –  $i$  - бўлим  $k$  - ихтисосликдаги  $f$  - ишчининг тоифаси;  $\bar{Z}_n^{mk}$  –  $n$  - буюртманинг  $m$  – қисмидаги  $k$  - технологик операциясига мос ишчининг тоифаси.

Иккинчи қадамда технологик операцияларнинг умумий меҳнат сарфи ихтисосликка мос ишчиларнинг аниқ тоифаси бўйича ҳисобланади:

$$\bar{T}_{zi}^k = \sum_{m=1}^E T_{zi}^{km}$$

бу ерда  $\bar{T}_{zi}^k$  –  $i$  - бўлим  $k$  - ихтисосликдаги  $z$  - тоифадаги ишчилар учун ишнинг хажми;  $T_{zi}^{km}$  –  $i$  - бўлим  $z$  - тоифадаги ишнинг  $m$  – қисмида  $k$  - технологик операциясининг мураккаблиги.

Учинчи қадамда  $k$  - тоифадаги ихтисослик бўйича талаб қилинадиган иш ўринлари ҳисоблаб чиқилади:

$$\bar{N}_{zi}^k = \frac{\bar{T}_{zi}^k}{\bar{F}_{zi}^{kf}}$$

бу ерда  $\bar{N}_{zi}^k$  –  $i$  - бўлим  $k$  - ихтисосликдаги  $z$  - тоифадаги зарур ишчилар сон;  $\bar{F}_{zi}^{kf}$  –  $i$  - бўлим  $k$  - ихтисосликдаги  $z$  - тоифали  $f$  - ишчининг ойлик иш вақти фонди.

Тўртинчи қадамда аниқ бир тоифадаги маълум бир ихтисосликга эга бўлган ишчилар сони мавжуд ишчилар сони билан таққосланади:

$$N_{zi}^{0k} = N_{zi}^k - \bar{N}_{zi}^k$$

$i$  - бўлим  $k$  - ихтисосликдаги  $z$  - тоифадаги ишчи дефицити  $N_{zi}^{0k} < 0$  ёки

захираси, мавжуд  $N_{zi}^{0k} > 0$ ;  $N_{zi}^k - i$  - бўлим  $k$  - ихтисосликдаги  $z$  - тоифадаги ишчилар сони.

§4.2да дискрет ахборот тизимида ихтисослашган ишчи ўринларни ташкил қилиш ва тизим таркибини ташкиллаштириш масаласининг алгоритми ишлаб чиқилган. Алгоритм сменада буюртмаларга ишлов беришда ишлатиладиган жиҳозларнинг таҳлили ҳақидаги ахборотга асосланади. Ускуналарни алмаштириш вақтини қисқартириш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ихтисослашган ишчи ўринларни тақсимлаш масаласининг ечими бўлиб ҳисобланади.

Биринчи қадамда маълум бир ускуналар орқали маълум бир ускуналар гуруҳи учун сменадаги (суткалик) технологик операцияларнинг умумий меҳнат сарфи ҳисобланади:

$$\bar{T}_i^{k\tau} = \sum_{n=1}^{\bar{E}} T_{in}^{k\tau}$$

бу ерда  $\bar{T}_i^{k\tau} - i$  - бўлим  $k$  - технологик ускуналар гуруҳидаги  $\tau$  - ускуна билан бажариладиган технологик операцияларнинг мураккаблиги;  $T_{in}^{k\tau} - i$  - бўлимда  $n$  - буюртмани  $\tau$  - ускуна билан  $k$  - технологик операциянинг бажарилиши мураккаблиги.

Иккинчи қадамда бўлимдаги технологик ускуналар гуруҳлари учун керак бўладиган ихтисослашган ишчи ўринлар сони ҳисоблаб чиқилади:

$$N_i^{k\tau} = \frac{\bar{T}_i^{k\tau}}{\phi_i^{kj}}$$

